

ВАТАНШАРВАР

УЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGINING MARKAZIY MATBUOT ORGANI

- 2002 йил, 4 апрель, пайшанба № 41 (1617).
- Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.
- Сотувда эркин нархда.

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

- Четверг, 4 апреля, 2002 г. № 41 (1617).
- Газета издается с 24 июня 1992 г.
- В розницу — цена свободная.

ЖАЙХУН СОҲИЛИДАГИ БОҶИЙ ШАҲАР

Дунёда ёши минг йиллар билан ўлчанадиган шаҳарлар сони саноқли. Қадимий кентлари билан фахрланадиган, уларни бугунги авлодларга кўз-кўз қилиш бахтига муяссар халқлар ҳам кўп эмас. Бундай саодатга эришган халқлар жаҳон цивилизацияси ривожига тамал тошини қўйган, инсониятнинг илк тарихини яратган. Не бахтки, ўзбеклар ана шундай халқлар сирасига киради. Мамлакатимизда ёши неча минг йилларга тенг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз, Термиз каби шаҳарлар талайгина.

2 апрель куни Термизда ушбу шаҳарнинг 2500 йиллигига бағишланган байрам тантаналари бўлиб ўтди.

Узбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов тантаналарда иштирок этиш учун Термизга ташриф буюрди. Давлатимиз раҳбари шаҳарда кейинги йилларда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди.

Айтиш жоизки, Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Термиз шаҳрининг 2500 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги ҳамда ЮНЕСКО Бонн конференцияси 30-сессиясининг мазкур шаҳарнинг 2500 йиллигини халқаро миқёсда кенг нишонлаш ҳақидаги қарорлари ижросини таъминлаш жараёнида шаҳарда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. Бу ишлар «Алпомиш» дostonининг 1000 йиллигини нишонлаш арафасида бошланган эзгу амалларнинг давоми бўлди.

Султон Саодат ёдгорлик мажмуи бутунлай қайта таъмирланди.

Шўро замонида бу муқаддас зиёратгоҳ ташландиқ ҳолга келиб қолганди. Истиқлол шарофати ва Президентимизнинг ташаббуси билан неча минг йиллик

қадриятларимиз, буюк аجدодларимиз хотираси ва меросини тиклашга катта эътибор қаратилиши натижаси ўлароқ, Султон Саодат мажмуи ҳам обод зиёратгоҳга айланди.

Давлатимиз раҳбари ушбу обидани, шунингдек, Ҳаким Термизий мақбарасини зиёрат қилар экан, бундай ёдгорликлар бизга ўтмиши ёруғ ва келажиги буюк халқ эканимизни эслатиб туриши билан бирга, янги-янги бунёдкорлик ишларига чорловчи ўзига хос бебаҳо маънавий мерос эканини таъкидлади.

Термиз Буюк ипак йўлининг муҳим чорраҳаси ҳисобланган.

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодий ривожланиб, халқаро интеграция жараёни кучайиб бораётгани қадим шаҳарнинг бу мавқеи қайта тикланишига муҳим омил бўлмоқда. Мазкур жараёнда Термиз темир йўлининг аҳамияти янада ортаётди. Янги темир йўл вокзалининг фойдаланишга топширилиши шаҳарнинг 2500 йиллик тўйига муносиб тўйча бўлди. Воҳанинг (Давоми 2-бетда).

УЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING

ҚАРОРИ

ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТНИНГ БЕЛГИЛАНГАН МУДДАТЛАРИНИ УТАБ БЎЛГАН ШАХСЛАРНИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР САФЛАРИДАН ЗАХИРАГА БЎШАТИШ ҲАМДА ФУҚАРОЛАРНИ МУДДАТЛИ ҲАРБИЙ ВА МУҚОБИЛ ХИЗМАТГА НАВБАТДАГИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

«Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Узбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахслар Узбекистон Республикасининг Қуролли Кучлари сафларидан захирага бўшатилсин.

2. 1975—1984 йилларда туғилган, чақирқиқ муддатини узайтириш ҳуқуқига эга бўлмаган Узбекистон Республикаси фуқаролари 2002 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

3. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Қуролли Кучлари чақирилувчилар билан сифатли бутлаш мақсадида жойлардаги чақирқиқ комиссияларининг ҳар томонлама таъминланишини ва самарали ишлашини ташкил этсинлар.

4. Узбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги (Ф. Назиров) Мудофаа вазирлиги (Қ. Гуломов) билан биргаликда чақирқиқ участкаларини зарур тиббий асбоб-анжомлари ва буюмлари билан таъминласин, чақирилувчиларнинг лаборатория текширувлари сифатли ўтказилишини ва уларнинг турли ихтисосликдаги юқори малакали врачлар томонидан ҳар томонлама тиббий текшириб кўрилишини ташкил этсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Ранси И. КАРИМОВ.

УЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRINING

БУЙРУҒИ

2002 йил 3 апрель № 184 Тошкент шаҳри.

Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар сафларидан захирага бўшатилиши ҳамда фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақирқиқ тўғрисида

Узбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида», «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонуни ва Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 29 мартдаги № 108 Қарорига мувофиқ

БУЙУРАМАН:

1. 2000 йил октябрь-ноябрь ойларида муддатли ҳарбий хизматга чақирилган ҳарбий хизматчилар, шунингдек, 2000 йил апрель-май ойларида муқобил хизматга чақирилган шахслар 2002 йил апрель-май ойларида Узбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафларидан захирага бўшатилсин.

2. Ҳарбий хизматчилар ва муқобил хизматдаги шахсларнинг захирага бўшатилиши муносибати билан чақирқиқ кунига 18 ёшга тўладиган, чақирқиқ муддатини кечиктириш ҳуқуқига эга бўлмаган эриш фуқаролар, шунингдек, чақирқиқ муддатини кечиктириш ҳуқуқини йўқотган катта чақирқиқ ёшида бўлган фуқаролар 2002 йилнинг апрель-май ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақирилсин.

3. Буйруқ алоҳида взвод (батарея), эскадрилья, мудофаа ишлари туман (шаҳар) бўлимларига юборилсин ва барча шахсий таркибга отказилсин.

Узбекистон Республикаси

Мудофаа вазири

Қ. ГУЛОМОВ.

ПОСТАНОВЛЕНИЕ

КАБИНЕТА МИНИСТРОВ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

ОБ УВОЛЬНЕНИИ ИЗ РЯДОВ ВООРУЖЕННЫХ СИЛ В ЗАПАС ЛИЦ, ВЫСЛУЖИВШИХ УСТАНОВЛЕННЫЕ СРОКИ ВОЕННОЙ И АЛЬТЕРНАТИВНОЙ СЛУЖБЫ, И ОБ ОЧЕРЕДНОМ ПРИЗЫВЕ ГРАЖДАН НА СРОЧНУЮ ВОЕННУЮ И АЛЬТЕРНАТИВНУЮ СЛУЖБУ

В соответствии с Законами Республики Узбекистан «О всеобщей воинской обязанности и военной службе» и «Об альтернативной службе» Кабинет Министров постановляет:

1. Уволить из рядов Вооруженных Сил Республики Узбекистан в запас лиц, выслуживших установленные сроки военной и альтернативной службы.

2. Призвать в апреле—мае 2002 года на срочную военную и альтернативную службу граждан Республики Узбекистан 1975—1984 годов рождения, не имеющих права на отсрочку от призыва.

3. Совету Министров Республики Каракалпакстан, хокимиятам областей и города Ташкента в целях обеспечения качественного комплектования Вооруженных Сил призывниками организовать всестороннее обеспечение и эффективную работу призывных комиссий на местах.

4. Министерству здравоохранения (Ф. Назиров) совместно с Министерством обороны (К. Гуломов) Республики Узбекистан обеспечить призывные участки необходимым медицинским оборудованием и имуществом, организовать качественное проведение лабораторных исследований призывников и их всестороннее медицинское освидетельствование высококвалифицированными врачами различной специализации.

Председатель Кабинета Министров И. КАРИМОВ.

ПРИКАЗ

МИНИСТРА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

3 апреля 2002 г. № 184 г. Ташкент.

Об увольнении из рядов Вооруженных Сил в запас лиц, выслуживших установленные сроки военной и альтернативной службы, и об очередном призыве граждан на срочную военную и альтернативную службу

В соответствии с Законами Республики Узбекистан «О всеобщей воинской обязанности и военной службе», «Об альтернативной службе» и Постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 29 марта 2002 года № 108

ПРИКАЗЫВАЮ:

1. Уволить в апреле—мае 2002 года из рядов Вооруженных Сил Республики Узбекистан в запас военнослужащих срочной службы, призванных в октябре—ноябре 2000 года, а также лиц, призванных в апреле—мае 2000 года на альтернативную службу.

2. В связи с увольнением в запас военнослужащих и лиц, проходящих альтернативную службу, призвать на срочную военную и альтернативную службу в апреле—мае 2002 года граждан мужского пола, достигших ко дню призыва 18-летнего возраста, не имеющих права на отсрочку, а также граждан старших призывных возрастов, потерявших право на отсрочку от призыва.

3. Приказ разослать до отдельного взвода (батарея), эскадрилья, районных (городских) отделов по делам обороны и довести до всего личного состава.

Министр обороны Республики Узбекистан К. ГУЛАМОВ.

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕРМИЗ ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

Ассалому алайкум, қадрли ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар! Бугун сиз азиятлар билан халқимиз ҳаётидаги яна бир унутилмас воқеа — қадимий Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйи муносибати билан шу қутлуғ заминда дийдор кўришиб турганимдан беҳад бахтиёрман.

Гўзал юртимизда баҳор нафаси кезиб юрган мана шундай ёруғ ва файзли кунларда ушбу тантанали маросимга узоқ-яқиндан ташриф буюрган юртдошларимизни, муҳтарам меҳмонларимизни, бағрикенг Сурхон аҳлини, барча-барчагинизни шу тарихий сана билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бугунги тантаналада иштирок этаётган ЮНЕСКО халқаро ташкилоти ҳамда дипломатик корпус намоёндаларига, хорижий мамлакатларнинг олимлари ва оммавий ахборот воситаларининг вакилларига ўз номидан, бутун халқимиз номидан миннатдорлик билдиришга ижозат бергайсизлар.

Азиз дўстлар!

Бугун биз яшаётган Узбекистон тупроғи дунёдаги энг кўҳна ва бетакрор масканлардан биридир. Бу ҳақиқатни кўп-кўп мисоллар, тарихий ва илмий далиллар асосида исботлаб бериш мумкин.

Узбекистон заминининг қайси ҳудудига мурожаат қилмайлик, минг-миг йиллар қаъридаги илк ҳаёт нишонларини, энг қадимий маданият ва санъат намуналарини ҳар қадамда топим, шу орқали бу ерларда қандай буюк цивилизация мавжуд бўлганини кўришимиз мумкин.

Бу ҳақда гапирганда, биз Фарғона водийсидаги Селунгур, Тошкент воҳасидаги Қўлбулоқ, Қашқадарёдаги Узунқир каби дастлабки одамзот манзилгоҳларини, Самарқанддаги Афросиёб, Хоразм заминидан яратилган нодир «Авесто» китоби, Бухородаги зардуштийлик ибодатхоналари сингари кўп-кўп ёдгорликларни назарда тутамиз.

(Давоми 2-бетда).

ЖАЙХУН СОҲИЛИДАГИ БОҚИЙ ШАҲАР

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕРМИЗ
ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН
ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мухтасар қилиб айтганда, мана шу мўътабар юртимиздаги ер ости хазиналаридан, асрлар давомида сукутга чўмиб ётган шахристонлардан топишган археологик ашёлар, ноёб тасвирлар ва ҳали очилмаган, ўз сирларини пинҳон сақлаб келаётган чўлу биёбонлар, ҳеч шубҳасиз, бугун биз яшаётган тупроқда қадим-қадим замонлардан бошлаб буюк маданият ва санъат ривожланганини тасдиқлайди.

Шу маънода, улуғ аждодларимизнинг умумжаҳон ва умумбашарият тараққиётига қўшган улкан ҳиссасини ҳазирги кунда дунёда ҳеч ким инкор қилолмайди. Бундай хулосани юзлаб бебаҳо топишлар, осори атиқалар ва буюмлар исботлаб беради.

Лекин, афсуски, инсоният бошидан кечган давр тўфонлари, уруш-қирғинлар, табиий офатлар оқибатида бу беқиёс тарихий маданият тасвирларининг мингдан бир қисмигина бизга қадар етиб келган, десак, асло муволафа бўлмайди.

Агар ўша — энг қадимий даврларга мансуб ёдгорликларимизни, сўнги икки аср мобайнида олиб борилган археологик қазилар натижасида топишган ноёб олтин ва кумуш буюмлар, бебаҳо осори атиқаларимизни — барча ноҳир бойликларимизни бошқа давлатлар каби мисқоллаб, асраб-авайлаб сақлаб келиб, бу экспонатлар бир жойга йиғилса, ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, дунёда тенги йўқ музей вужудга келган бўлур эди.

Бугун биз ЮНЕСКО халқаро ташкилоти қарорига биноан Термиз шаҳрининг 2500 йиллик тўйини ўтказар эканмиз, Ватанимизнинг жанубий сарҳадларидан топишган мана шундай далиллар асосида Сурхон воҳасида яшган одамларнинг қандай буюк, улуғ тарихини бошидан кечиргани, керак бўлса, қандай бетакрор маданиятга эга бўлганини катта гуруҳ ва ифтихор билан таъкидлаймиз.

Ҳақиқатан ҳам, бу кўҳна ўлкадаги Тешинтош ва Зарраутсой, Жарқўтон ва Сополинтепа, Холчаён ва Далварзинтепа каби ўнлаб маънавий қадимий ёдгорликлар, антик санъат асарлари шундан далолат беради.

Ҳақиқатан ҳам, мана шу бепоён ҳудудларда, азим Жайхун бўйларига милоддан аввал ва унинг илк даврларидаёқ Вақтрия ва Кушон каби улкан давлатларнинг мавжуд бўлганини ўзимизга тасаввур этганда бунга яна бир бор ишонч ҳосил қиламиз.

Ҳақиқатан ҳам, азизларимиз Мағрибу Машриқни ўзaro боғлаб келган, қадим савдо карвонлари ўтадиган Буюк йипак йўли чорраҳасида жойлашган бу тупроқда неча минг йиллар мобайнида турли дин ва маданиятлар — зардуштийлик ва буддавийлик, насронийлик ва мусулмонлик анъаналари ёнма-ён яшаб келганини ҳисобга олсак, бу заминнинг тарихи нақадар кўҳна эканига иқдор бўламиз.

Ҳатто, бир замонлар Термиз шаҳри буддавийлик марказларидан бири бўлгани, бу таълимот Хитой ва Японияга айни шу ердан тарқалгани ҳақида илмий қарашларнинг мавжудлиги ҳам беқиз эмас.

Бугунги кунда сана муносабати билан бунёд этил-

ган, собиқ иттифоқ ҳудудида ягона бўлган муҳташам Археология музейидаги кўнлаб тарихий ашёлар, меъморлик ва ҳайкалтарошлик санъати намуналари, деворий расмлар, уй-рўзгор буюмлари, турли-туман тақинчоқлар ҳам ана шу ҳақиқатнинг тарихий тасдиғи бўла олади.

Азиз дўстлар, биродарлар шу ўрнида эътиборингизни бир масалага қаратмоқчиман.

Яъни, бу қадимий воҳанинг, Термиз шаҳрининг кўҳна ва беқиёс нечмишини исботлаб, тасвир қилиб берадиган далилларни кўрганда, одамда беихтиёр шундай савол тугилади: нега шунчалик узоқ тарихга эга бўлган бу шаҳарнинг юбилейи шўро замонидан бирон марта ҳам нишонланмаган?

Бунинг сабаби битта: у ҳам бўлса, мустабид тузум даврида ҳукм сургани, бизнинг бой тарихимизни тан олмаслик, тенсимаслик, уни шу тарихнинг ҳақиқий эгаларидан яширишга бўлган уринишлардир.

Бир сўз билан айтганда, бу ҳолни тарихий адолатсизлик, асрлар давомида бизнинг халқимиз, миллатий маданиятимизга нисбатан олиб борилган ғаразли сўясатнинг натижаси, деб баҳолаш лозим.

Бунга яна бир сабаб шуки, жанубий чегараларда жойлашган Термиз шаҳрига, авваллари Россия, кейинчалик эса СССР империясининг олис ва чекка бир ҳудуди деб, бу ерда қандай маданият, қандай тараққиёт излари бўлиши мумкин, деб беписанд қараб келинди.

Фақат биз озодлик ва эркинликка эришгандан кейингина Сурхоннинг ҳақиқий тарихини очиб бериш, тиклаш ва ўрганиш масаласига том маънода катта эътибор қаратилди.

Ҳар қарич тупроғи қанча сир-синаотга, бетимсол бойликларга эга бўлган бу заминнинг нафақат юртимиз тарихига, балки дунё цивилизациясига қўшган муносиб ҳиссасини ёритиб бериш мақсадида олиб борилган улкан ишларни эндиликда бутун жаҳон аҳли тан олмоқда.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, асрлар қаърида кўмилиб ётган ана шу ҳақиқатни юзага чиқарган, Термиз шаҳри, бутун Сурхон воҳасининг тарихини ақс эттирадиган осори атиқалар ва ёдгорликларини излаб топиш, уларни ҳар томонлама ўрганиш, жаҳон бўйлаб тарғиб этиш борасида сидқидилдан меҳнат қилган заҳматқаш олимларимизга, Япония, Германия, Франция, Россия каби мамлакатлардан келиб, бу ерда тадқиқот ишлари олиб бораётган археологларга, уларни қўллаб-қувватлаган ташкилотларга, аввало, ЮНЕСКО халқаро ташкилотига ўзимизнинг чуқур миннатдорлигимизни билдираемиз.

Ҳурматли юртдошлар! Термиз деганда, аввало, унинг шонли воқеаларга бой нечмиши, қахрамонлик тарихи кўз ўнгимизга келади.

Неча асрлар мобайнида Термиз ҳарбий муҳофафа қалъаси бўлиб, ғоятда масъулиятли бир вазифани ўтаб келгани барчамизга аён. Юртимизга жануб томондан кимки бостириб келмасин — Доро ёки Македонский бўладими, Чингизхон ёки араб истилочилари бўладими — Термиз қалъа-

си ҳаминша ёв йўлига қалқон бўлган, душманга қарши мардона курашган.

«Авесто»да «байроғи — туғи баланд эрлар юрти» деб таърифланган Сурхон воҳаси, бу қалъа шаҳар ўзининг кўн минг йиллик тарихи давомида кимларни кўрмаган, қандай синов ва тўфонларни бошидан кечирмаган?

Унинг боқину истилолар тўғрисида неча бор вайронга айланиб, култупалар узра неча бор қайта тиклангани тарихдан маълум.

Лекин, қатъий ишонч билан айтиш лозимки, шу ерни муқаддас макон деб, она юрт деб билган мард ва жасур аждодларимиз ёшларга ҳеч қачон бўйин эгмаган.

Шу маънода, «Алпомиш»-дек қахрамонлик достонининг айнан шу ерда яратилгани ҳам асло тасодиф эмас.

Ана шу курашлар, жангу жадаллар натижасида бу шаҳарнинг номи неча бор ўзгаргани, ҳатто бир замонлар у боқинчи ҳукмдорлар номи билан аталганини ҳам яхши биламиз.

Афсуски, «Термиз» сўзининг лугавий маъноси ва келиб чиқиши ҳали-ҳанузгача номаълум бўлиб келмоқда. Лекин, бу ҳусусда турли фикр ва қарашлар мавжудлигини ҳам айтиб ўтишимиз керак.

Қадимий ёдгорлигимиз «Авесто»да у «Тармида» деб аталса, араб манбаларида «Тармиз», яъни «дарё бўйидаги шаҳар» маъносини англатади.

Буюк шоир Абулқосим Фирдавсий эса ўзининг асрида шаҳарни унинг бугунги номига яқин шаклда — «Тирмиз» деб тилга олади.

Аммо, бизнинг фахру гуруримиз боиси шундаки, қандай ном билан аталган бўлмасин, қандай боқин ва офатларга дуч келмасин, Термиз элининг, Сурхон халқининг ўзлиги, иймон-эътиқоди, ирода ва матонати, энг муҳими, ўз юртига садоқати асло ўзгармади.

Буюк муаррих Шарафиддин Али Яздий ўзининг машҳур «Зафарнома» асарида Термиз аҳолисининг мўғул боқинчиларига қарши фидокорона курашини тасвирлар экан, бу шаҳарни «Мадинаг ур-рижол», яъни «Мардлар шаҳри» деб атаганида ҳам теран маъно муҳассас.

Тақрор айтаман, тарихнинг ўзи Термиз шаҳри, унинг қахрамон халқи зиммасига асрлар давомида юртимиз тинчлиги ва озодлиги йўлида метин қалъа-қўрғон бўлишдек оғир ва масъулиятли вазифани юклаган.

Бугун биз ифтихор билан эътироф этаемизки, Термиз шаҳри бу муқаддас вазифани ҳаминша ва ҳозирги мураккаб, таҳликали даврда ҳам шараф билан адо этиб келмоқда.

Муҳтарам дўстлар! Жаҳон цивилизацияси бешикларидан бири бўлган бу шавкатли шаҳарни етти иккила маълуму машҳур этган унинг шонли тарихи, қадим-қадимдан шаклланиб келаётган бой маданияти, беқиёс обидалари, десак, хато бўлмайди, албатта.

Лекин Термизни Термиз қилган, унинг шухратини олам узра зиёда этган, бу воҳанинг ҳар қарич тупроғини олтинга айлантирган — мана шу юртининг мард ва танги, олижаноб одамларидир.

Бу қадимий диёрда яшаб ўтган беназир аллома Ҳаким Термизий, ислом дунёсида олти буюк муҳаддисдан би-

ри сифатида тан олинган Имом Исо Термизий, мумтоз шоир Собир Термизий, муаррих Самандар Термизий каби ўнлаб улуғ аждодларимиз, азиз-авлиёларимизнинг мўътабар номларини халқимиз ҳурмат-эътиром билан тилга олади.

Соҳибқирон Амир Темур бобомизнинг айнан мана шу Термиз атрофида ўзининг пири бузруквори Саййид Барака ҳазратларидан ҳокимият рамзи бўлган байроқ ва жанговар ноғорани қабул қилиб олгани ҳам бу тупроқнинг нечоғли ҳосиятли эканини кўрсатиб турибди.

Бугунги кунда ҳам шу табаррук тупроқни удуғлаб, қуёш жазирамаси, гармсел шамолларига бардош бериб, қийинчиликларни енгиб меҳнат қилаётган, Ватанимизнинг жанубий сарҳадларида афғон моjarоси тўғрисида йиғирма йилдан зиёд давом этган нотинч ва таҳликали вазиятда ҳам мардлик ва матонатини намойиш этиб, том маънода шу юртининг фидоийси бўлиб яшаётган Сурхон эли, Сурхон халқига ҳар қанча тасаннолар айтсак арзийди.

Азиз юртдошлар!

Бу воҳа тупроғи, Сурхон ери наинки қадимий, айни пайтда гоят унумли, серҳосил ва баракали эканида ҳам ўзига хос ҳикмат бор.

Мен бу заминнинг ҳосиятларини илгари ҳам кўп марта айтганман, лекин бугунги тантанادا яна бир бор бу ҳақда тўхталиб ўтсак, ўрилли бўлади, деб ўйлайман.

Бу ерда кўп-кўп қишлоқ хўжалик эканларини — пахтадан тортиб субтропик меваларгача, галладан тортиб сабзавот ва волиз маҳсулотларигача — барча-барчасини ўстириш мумкин.

Айниқса, бу заминнинг сўлим табиаги, Вахшивор ва Боботог, Сангардак ва Хонжизза, Бойсун ва Олтинсойнинг фусункор манзаралари ҳар қандай одамни мафтун этади.

Ёки Сурхон воҳасининг бағрига жо бўлган ноёб табиий бойликларини, равон йўллар, алоқа тармоқлари, мухтасар айтганда, самарали ишлаш учун асос бўладиган шарт-шароит ва имкониятларни олайлик.

Энди ўзингиз айтинг, азиз биродарлар, бу воҳада шундай бой тарих, шундай унумдор ер бўлса, шундай гўзал ва бетакрор табият, шундай меҳнатқаш, мард ва олижаноб халқ бўлса, бу юртининг келажиги буюк бўлмаслиги мумкинми? Бу ерда одамлар бахтли, эркин ва фаровон яшамаслиги мумкинми?

Ишончим комилки, бутун халқимиз қатори Сурхон эли ҳам ана шундай ҳаётга ниҳоятда муносиб ва шундай турмуш даражасига албатта эришади.

Бунга ишонч билдириш учун барча асосларимиз бор.

Бу асослардан бири шундан иборатки, бутун юртимиз каби Термиз шаҳрига ҳам Оллоҳнинг назари тушган, уни доимо ўз паноҳида сақлаб, ёмон кўзлардан, бало-қазолардан ўзи асраб келади.

Бу ерга мусулмон дунёсининг улуғ алломалари ва пири бузрукворларимизнинг муборақ пойқадамлари теккан ва уларнинг барчамиз учун табаррук хоклари шу тупроққа кўмилган.

Яна бир асос шундан иборатки, бу заминда яшаётган барча инсонларнинг ўз юрти, ўз элига бўлган меҳр-муҳаббати, садоқати чексиз ва мустаҳкам.

(Давоми 7-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

ўзига хос иқлим шароитини ҳисобга олиб бунёд этилган ушбу ишшоот замонвий техника воситалари билан жиҳозланган.

Президентимиз шаҳарнинг 2500 йиллик тўйи муносабати билан барпо этилган Археология музейини ҳам бориб кўрди.

Эътиборли томони шундаки, мазкур музей собиқ иттифоқ ҳудудида ягона ҳисобланади. Музей биносини Шарқ ва замонвий меъморчиликнинг ўзаро уйғунлиги тимсоли дейиш мумкин. Музейга Сурхон заминидан топишган ноёб археологик топишмалар кўйилган. Бу ердаги минглаб экспонатлар ўлкаимизнинг қадимий маданияти, Термизнинг жаҳон цивилизацияси тараққиётида тутган йуғулиги ўрнидан сўзлайди. Қадимий Қушонлар шаҳзадаси, жангчилар ҳайкаллари, шунингдек, Фаёзтепадан топишган ваъна дунёнинг манамаи деган машҳур музейлари ҳавасини келтириши шубҳасиз. Музейдаги буддавийлик даврига оид топишмалар бу дин Хитой ва Япония каби мамлакатларга ҳам худди шу заминдан борганидан далолат беради.

Шаҳар юбилейига бағишланган тантанали маросим ўтадиган «Алпомиш» стадиони байрамона безатилган. Ундан мамлакатимизнинг турли шаҳар ва қишлоқларидан ташриф буюрган меҳмонлар, хорижлик олимлар, дипломатик корпус ва халқаро ташкилотларнинг вакаллари жой олган.

Президент Ислам Каримов байрам ўтадиган майдонга кириб келди. Йиғилганлар давлатимиз раҳбарини давомли қарсақлар билан кутиб олди.

Юбилейга бағишланган маросимни Сурхондарё вилояти ҳокими Т. Қодиров очди.

Маросимда Президент Ислам Каримов нутқ сўзлади.

Ўзбекистон заминининг қайси ҳудудига мурожаат қилмайлик, — деди давлатимиз раҳбари. — Минг-минг йиллар қаъридаги илк қадимий нишонларини, энг қадимий маданият ва санъат намуналарини ҳар қадамда топиш, шу орқали бу ерларда қандай буюк цивилизация мавжуд бўлганини кўришимиз муқаррар.

Дарҳақиқат, Юртбошимиз алоҳида таъкидлаганидек, Термиз ҳам инсониятнинг ана шундай энг қадимий шаҳарларидан биридир. Аммо фақат халқимиз истиқлолга эришгандан кейингина бу заминнинг ҳақиқий тарихини очиб бериш, тиклаш ва ўрганиш масаласига кенг йўл очилди.

Мамлакатимиз раҳбари ўз нутқида фидокорона меҳнат қилаётган бугунги Сурхондарё аҳлининг яратувчиллиги ишларига юксак баҳо берди. Шаҳар юбилейи муносабати билан амалга оширилган бунёдкорлик ишларида фаол иштирок этганларнинг барчасига миннатдорлик билдирди.

Маросимда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси раҳбари Майкл Барри Лейн, Зулфия номидаги давлат мукофоти совриндори, Термиздаги 2-ўрта мактаб ўқувчиси Манзура Холмираева, миллий кураш бўйича жаҳон чемпиони Тоштемир Муҳаммадиев, жарқўрғонлик меҳнат фахрийси Рўзи Алиқулов сўзга чиқди.

Маросим театрлашган байрам томошаси билан янгулланди.

Анвар КАРИМОВ,
Чори ТЎХТАЕВ,
ЎЗА мухбирлари,

9 АПРЕЛЯ

6.00 «Ассалом, узбекистон!»
8.00, 20.30 «Ахборот»
8.40 Обзор газет.
9.00 «Узбектед фильм» представляет...

17.20 «Санта-Барбара»
18.00 Мультсборник
18.25, 20.00, 21.25, 22.30 «Пойтахт»
18.45 «Селеста, всегда Селеста»

9.45 «Русская рулетка».
10.35 Смак.
10.30 Библиомания.
11.15 Независимое расследование

13.30 «Искусство войны».
16.00 «Золотая баба».
17.30 Студия «Модерн».
17.50 С благодарностью госпоже Любе

14 АПРЕЛЯ
3.00 «Ассалом, узбекистон!»
8.00 «Ахборот».
8.35 «Камалак».

18.50, 21.50 Золотое наследие.
19.00 «Давр»-нюс.
19.25 Очун.
19.50 Сифидон.

19.50 «Ошикона».
20.00 «Агитстеп».
21.00 Час детектива на 30-м.
21.45 Фильм «Побег из Шоушенка».

19.50 «Русский киллер».
17.20 С благодарностью госпоже Любе.
17.30 Студия «Модерн».
17.50 Лучшие детели.
18.00 «Повелитель времени»

9.00, 19.00, 22.00, 23.45 «Давр».
9.15 Почта «Нового поколения».
9.45, 16.30 «Самый саргузаштар».

17.20 «Санта-Барбара».
18.00 Мультсборник.
18.25, 20.00, 21.25, 22.30 «Пойтахт».

9.45 «Русская рулетка».
10.35 Смак.
10.30 Библиомания.
11.15 Независимое расследование.

13.30 «Искусство войны».
16.00 «Золотая баба».
17.30 Студия «Модерн».
17.50 С благодарностью госпоже Любе.

14 АПРЕЛЯ
3.00 «Ассалом, узбекистон!».
8.00 «Ахборот».
8.35 «Камалак».

18.50, 21.50 Золотое наследие.
19.00 «Давр»-нюс.
19.25 Очун.
19.50 Сифидон.

19.50 «Ошикона».
20.00 «Агитстеп».
21.00 Час детектива на 30-м.
21.45 Фильм «Побег из Шоушенка».

19.50 «Русский киллер».
17.20 С благодарностью госпоже Любе.
17.30 Студия «Модерн».
17.50 Лучшие детели.
18.00 «Повелитель времени»

ЖАЙХУН СОҲИЛИДАГИ БОҶИЙ ШАҲАР

ПРЕЗИДЕНТ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТЕРМИЗ ШАҲРИНИНГ 2500 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ МАРОСИМДАГИ НУТҚИ

(Давоми. Боши 1 ва 2-бетларда).

Бугун биз янги жами, қуриш йўлида қандай жараёнларни бошимиздан кечирётган бўлсак, қандай қийинчилик, гов-тўсиқларни енгиб, ўз олдимизга қўйган юксак марраларга етиш, буюк келажакимизни қуриш учун қандай меҳнат қилаётган бўлсак, бу ишлар замирида Сурхон аҳлининг ҳам ғайрат ва шижоати, мардлик-матонати, фидойилиги муҳассам экани шубҳасиз. Хурматли дўстлар!

Биз бугун шоду хуррамлик билан ишонлаётган Термиз шаҳрининг муборак тўйи, авваламбор, тарихимиз

ва буюк аждодларимиз хотирасига инсбатан қалбларимиздаги хурмат ва эҳтиром туйғусининг яна бир бор намойи бўлиши билан ибратлидир.

Бундай тантана, бундай маросимлар юртимизда яшаётган ҳар бир инсон, айниқса, ушиб-ўсиб келаятган ёшларимизни бой маданий меросимизни қадрлаш, асраб-авайлашга, бу бебаҳо бойлик билан чин юракдан ифтихор қилишга ўргатади.

Энг муҳими, бизларнинг қандай қадимий тарих, қандай ўлмас маданиятга эга эканлигимизни, кимларнинг авлодлари, қандай улуг зотларнинг ворислари экани-

мизни англашга даъват этади.

Мана шу унутилмас лаҳзаларда, шу майдонда туриб атрофимизга, Термизнинг бугунги гўзал қиёфасига бир назар ташлайлик.

Бу қадимий шаҳарда кейинги йилларда барпо этилган муҳташам бинолар, янги уй-жойлар, замонавий лицей ва коллежлар, спорт иншоотлари, обод ва равон йўллар, сўлим боғ-роғлар, кўркам фавворалар — буларнинг барчаси бунёдкор элимизга хос юксак фазилатларнинг, мустақиллик бизга берган чексиз имкониятларнинг амалий намойиши эмасми?

Айниқса, мана шу улуг тўй шарофати билан кўҳна Термизнинг ҳар томонлама яшнаб-яшариб, навқирон бир шаҳарга айланиб кетганини кўриб қувонмайдиган одам борми?

Ишончим комилки, Имом Термизий, Ҳаким Термизий, Султон Саодат, Қирққиз ёдгорлик мажмуаларининг тубдан қайта таъмирлангани, Темир йўл бекати, Биржа маркази, Археология музейи, амфитеатр, янги стадионлар ва сузиш ҳавзалари, бошқа ўнлаб иншоотлар нафақат Термиз шаҳри, балки бутун Сурхон воҳасининг чиройига чирой қўшиб турибди, десам, бу фикрни сизлар ҳам қўллаб-қувватлайсизлар.

Мен, фурсатдан фойдаланиб, мана шу савобли ишларни амалга оширган моҳир қурувчи ва усталари-

мизга, муҳандис ва меъморларга, Термизнинг обод бўлишига ўз ҳиссасини қўшган барча инсонларга чин қалбимдан ташаккур билдираман.

Қадрли дўстларим, ватандошларим!

Сўзимнинг охирида илгари ҳам айтган бир гапимни такрорламоқчиман: мен гўзад Сурхон воҳасини, унинг кўркам боғлари, баланд тоғларини, яшил арчзорлари, бепоён дашту далаларини, шу заминда яшаётган азиз юртдошларимни, бутун Сурхон аҳлини яхши кўраман, сизларга ўзимнинг энг эзгу туйғуларимни изҳор этишдан ҳаммиша бахтиёрман.

Мардлар, баҳодирлар ва полковлар диди бўлган бу табаррук тупроқдан ҳеч қачон файзу барака аримасин, ўтмиши шарафли, келажакти буюк Термиз дунё тургунча турсин.

ИНФОРМАЦИЯ В НОМЕР

УЧАТСЯ ВОСПИТАТЕЛИ

Как показал опыт строительства Вооруженных Сил независимого Узбекистана, значение воспитательной работы в современных условиях неизмеримо возросло. Как и роль офицеров — заместителей командиров частей по воспитательной работе. Об этом и других актуальных вопросах начался серьезный разговор на учебно-методических сборах заместителей командующих войсками военных округов, частей и военно-учебных заведений по воспитательной работе, которые проходят в Центральном Доме офицеров.



Сборы начались с выступления Министра обороны Республики Узбекистан К. Гуламова, который, проанализировав изменения, произошедшие за последние десять лет в независимом Узбекистане и его Вооруженных Силах, призвал офицеров-воспитателей рассматривать воспитательную работу как важнейшую часть процесса реформирования Вооруженных Сил. Приведение форм и методов воспитательной работы в соответствие с современными условиями — веление времени, и в первую очередь предусматривает воспитание и самовоспитание самих воспитателей, которые должны стать для своих подчиненных — источником моральной силы и примером для подражания.

Новые исторические ус-

ловия требуют прежде всего находить и воспитывать в коллективах людей, имеющих лидерские качества. И неважно, на какой они находятся должности: солдат это, сержант или офицер. Только человек, обладающий характером лидера, может сегодня повести за собой окружающих, увлечь их на хорошие дела, в новых экономических и политических условиях найти творческое решение назревших проблем, стать экспертом в своей профессии, создать слаженно работающую команду единомышленников по решению поставленных учебно-боевых задач.

Таких лидеров должны сегодня готовить новые школы подготовки сержантов, именно такими должны выпускаться офицеры из высших военных учебных

заведений, такие солдаты «цементируют» коллектив, способствуют созданию в нем благоприятной и уставной атмосферы. Одна из задач заместителей командиров по воспитательной работе — создавать в подразделениях и частях самые благоприятные условия для возможности проявления подчиненными своих лучших, лидерских качеств, способствовать тому, чтобы именно такие люди росли, развивались, формировались как профессионалы военного дела. Ведь именно они определяют, как будет выглядеть наши Вооруженные Силы через десять-двадцать лет.

Затем перед участниками сборов по вопросам основных направлений реформирования Вооруженных Сил, особенностям военно-политической обстановки в регионе и требований, предъявляемых к военным кадрам, выступили полковники А. Княев, Р. Мирзаев и Ф. Рустамов. Главный научный сотрудник Института стратегических межрегиональных исследований при Президенте Республики Узбекистан доктор исторических наук С. Ризаев рассказал о проблемах геэкономик, геополитики и безопасности в Центральноазиатском регионе, майор Т. Абдусайдов — о состоянии и перспективах международного военного сотрудничества, полковник Ш. Хикматов — об обеспечении военно-служазких положенными нормами довольствия.

Участники сборов посетили Музей истории Темуридов, а во второй день занятий прослушали лекции ведущих специалистов ряда научных и общественных организаций. Сборы продолжают свою работу.

Подполковник В. КАЛОШИН.

На снимке: — участники сборов с большим вниманием воспринимают выступления руководителей состава Министерства обороны, ведущих специалистов и приглашенных лекторов.

Фото К. ТУРАЕВА.

Слово сдержат

верке выучка личного состава по специальной, тактической, огневой подготовке, отработке нормативов, выступившие с инициативой воины вновь были названы лучшими.

Их пример вдохновил и остальных настоящие

трудиться над повышением уровня своего ратного мастерства, а дух состязательности дал новый импульс соревнованию на звание лучшего по воинской специальности.

Рядовой У. ЖУМАЕВ,

Аскар бўлиш — бахт

— Йигит киши учун аскар бўлиш—бахт,— дейди оддий аскар Отабек Юнусов. — Келинг, аскарлик йигит учун нималар бериши тўғрисида бир мулоҳаза юритиб кўрайлик. Кечагина уйқудан зўра туриб, эришчилик билан ҳаракат қилиб юрган ўсмир хизматининг биринчи куниданоқ теткилашади. Орадан сал фурсат ўтмай хатти-ҳаракатларида ўзгариш юз беради, қадам ташлашлари дадиллашади, қадди-қомати кўркамлишиб, билакларига куч унади. Майли, юриштириши ўзгарганлигини кўя турайлик. Гапларида ҳам қатъийлик, аниқлик пайдо бўлади. Айтган сўзининг устидан чиқадиган бўлади. Жамоа бўлиб яшашга ўрганади. Ҳозир ана шу жамоанинг ажралмас бир бўлаги эканлигини ҳис этади. Унинг ютуғи — жамоанинг ютуғи, жамоанинг ютуғи — унинг ютуғи эканлигини яхши англаб олади. Бир сўз билан айтадиган бўлсак, армия — йигитлик мактаби. Бу ерда у ҳам жисмонан, ҳам маънан камол топади. Кейинги ҳаёти учун зарур бўладиган хусусиятларга, қолаверса, фойдали бир касбага эга бўлади.

Ҳурматли ўқувчи, нега газета муҳбири минг марта айтилган гапларни аскарни гапиртириб қўйиб ёзаётир, деб ҳойнаҳой ҳайрон бўлаётгандирсиз. Асло ҳайрон

бўлмаг, аскарнинг ўзи аскарлик ҳаёти тўғрисида тўлқинланиб гапирса, нимаси ёмон?! Бунинг устига мана «Баҳорги қақирув — 2002» ҳам бошланди. Бу сўзларини ўқиган қақирувчининг қалбида аскар бўлишга янада кучлироқ алағна пайдо бўлади, деган фикрдаман.

— Тез кунларда сафимизга янги аскарлар келиб қўшилишади,— дейди Отабек. — Биз уларни иттизорлик билан кутишимиз.

Йигитлар, вақтингизни ўтказиб юбормай, аскар бўлишга шовиллинг.

Отабекнинг сўзларини тинглаб менда шундай мисралар тугилди:

- Хизмат нима ўн саккиз ойлик,
- Аскар йигит бирим чиройлик,
- Вақт дегани тез ўтар, кетар,
- Ватан деган, мақсадга етар,
- Посбон йигит снайпер, мерган,
- Қўшни қизи рўмолча берган,
- Хушёр бўлса Ватан посбон,
- Мусаффордир юртинг осмон.

Майор А. ОБРЎЕВ, «Ватанпарвар» муҳбири.

ВЕСТИ ИЗ ПОДРАЗДЕЛЕНИИ

ИДЕТ БОЕВАЯ УЧЕБА

Целенаправленная подготовка к контрольным занятиям за зимний период обучения началась в подразделении, где служит старший лейтенант К. Шодиев.

Ни одной учебной минуты не пропадало у воинов-моторелков в течение всего учебного периода, но особенно ценится учебное время сейчас, по мере приближения проверки. Солдаты и сержанты полны решимости полностью реализовать весь багаж накопленных знаний и навыков, в полном объеме выполнить взятые на себя обязательства. Отличниками хотят быть все — и те, кому этой весной предстоит увольнение в запас, и те, у кого за плечами только полгода службы.

Уверены в своих подчи-

ненных и офицеры. Это ведь проверка и их знаний, качества методики преподавания. Офицеру мало просить знать ту или иную дисциплину, нужно передать этот накопленный за годы учебы и службы опыт своим подчиненным.

В последние дни перед проверкой нарастает сложность отработываемых вопросов на занятиях по многим предметам, таким, например, как тактико-специальная, огневая подготовка; защита от оружия массового поражения, тактическая подготовка. На отлично выполняют в их ходе задачи и нормативы младшие сержанты Б. Анназаров, И. Исмонлов, рядовые А. Пулатов, Д. Хусниев.

Младший лейтенант Х. МИРЗАЕВ, корр. «Ватанпарвар».

На одном из контрольных занятий в нашем артиллерийском дивизионе, где командует капитан Солижон Ахмедов, наше подразделение выступило с инициативой — сдать проверку на отлично. И теперь мы убедились — передовики сдержат слово. Последнее испытание в полевых условиях, на котором вновь подвергалась про-

◆ РЕКЛАМА ◆ ОБЪЯВЛЕНИЯ ◆ 56-54-76

КУПЛЮ

● Холод., мороз., БК, шв. маш., овер., газ. пл., ТВ. Т.: 90-73-29.

● Холод., шв. маш., ТВ, в/маг., газ. пл., БК, велосипед, ст. маш. «Киргизия», раб. и нераб. Т.: 74-95-15, 75-59-73.

● ВМ-12. «Комету-225», магнит., усилит., АС. Т.: 78-56-34, 56-27-39.

ПРОДАЮ

● Холод., мороз. Т.: 90-99-29.

НЕДВИЖИМОСТЬ

● Продаю 3-х комн. кв-ру на Чиланзаре-30, 12/12. Т.: 170-18-88.

● Продаю 3-х комн. кв-ру на Чиланзаре, 9/9. Т.: 170-66-02.

РАЗНОЕ

● Утерянный аттестат о среднем образовании № 067693, выданный ХАЛЛИЕВУ Жахонгиру Арслановичу 16 июня 2000 г. средней школой № 94 г. Ташкента, считать недействительным.

СОВМЕСТНОЕ УЗБЕКСКО-РОССИЙСКОЕ ОТКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО

«НЕФТЕСЕРВИС»

ИЗВЕЩАЕТ О ПРОВЕДЕНИИ ГОДОВОГО ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ

Собрание состоится 10 мая 2002 г. в 14.00 по адресу: г. Ташкент, ул. Турсункулова, дом 251 (телефоны для справок: 74-05-71, 75-58-39). Начало регистрации — в 14.00.

ПОВЕСТКА:

- Отчет председателя правления о результатах финансово-хозяйственной деятельности СУРОАО за 2001 год и задачах на 2002 год.
- Отчет ревизионной комиссии СУРОАО о проделанной работе.
- Утверждение бухгалтерского баланса, отчет об итогах аудиторской проверки финансово-хозяйственной деятельности предприятия.
- Распределение прибыли СУРОАО за 2001 год, порядок и сроки выплаты дивидендов по итогам работы предприятия.

УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Узбекистон Республикаси Марказий банки 2002 йил 2 апрелдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистика ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек бошқона ва бошқа мажбурий тулов-

лар учун хорижий валюталарнинг сўмга исбатан куйидаги қийматини белгилади:*

1 АҚШ доллари 696,02
* Валюта қийматини белгилаш чоғида Узбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

● ТЕЛЕАНОНС

«ВАТАНИМГА ХИЗМАТ КИЛАМАН»

14 апреля в 10 часов по первому каналу Узбекского телевидения смотрите очередной выпуск военно-патриотической передачи «Ватанимга хизмат киламан», подготовленный Военной студией Министерства обороны Республики Узбекистан.

В этом выпуске авторы передачи — военные тележурналисты — расскажут о том, как воины-узбекистанцы готовятся к сдаче контрольной проверки за зимний период обучения. Также в этом выпуске вы увидите подборку видеоматериалов в постоянных рубриках передачи.

Повтор этого выпуска смотрите во вторник, 16 апреля, в 16.55.


Наш корр.

ОТВЕТЫ НА КРОССВОРД, ОПУБЛИКОВАННЫЙ В № 38

ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 7. Отелло. 10. Решето. 11. Ларница. 12. Барбос. 13. Нобель. 14. Жабры. 16. Икота. 17. Масть. 21. Околыш. 22. Солончак. 24. Аллерген. 25. Экинач. 27. Бляха. 30. Парня. 31. Водка. 36. Стелла. 37. Аптека. 38. Ревнем. 39. Кирич. 40. Анонам.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Отрава. 2. Флорбер. 3. Холст. 4. Гранд. 5. Ошибка. 6. Стиллет. 8. Сказка. 9. Животное. 15. Бакалея. 18. Смарагд. 19. Выдра. 20. Лодка. 23. Керамика. 26. «Виллис». 28. Летчик. 29. Халуна. 32. Острог. 33. Кокаин. 34. Парча. 35. «Дамас».

КРОССВОРД



ПО ГОРИЗОНТАЛИ: 4. Он обслуживает пассажиров. 5. Разновидность мельницы. 6. Окружающий нас диэлектрик. 9. Вексельное поручительство. 10. Почтовая упаковка. 12. «Кусок» романа. 13. Музыкант-духовик. 14. Гороховое общество. 17. Бессмертный Дюоскур. 18. Мощный прокатный стан. 19. Так назывался первый штык. 20. Наружный навес у окна для защиты от солнца. 21. Страна, изученная Марко Поло. 22. Старая азартная игра с монетой. 23. Пасхальный кекс. 26. Чей роман лег в основу телесериала «Вечный зов»? 27. Приспособление, служащее для торможения

колес на железной дороге (спец.). 29. Охота в запрещенных местах.

ПО ВЕРТИКАЛИ: 1. Заячья скорость. 2. Чело (устар.). 3. Все для пищеварения. 7. Описание своей жизни. 8. Самодвижущаяся машина для погрузки, разгрузки и перевозки на складах. 11. Наука о болезнях животных. 15. Вторая по популярности в казино игра после «Блэк Джека». 16. Любимый драгоценный камень великого ювелира Бенвенуто Челлини. 24. Ламанский монастырь. 25. Народное волнение. 28. Старинная французская мера длины.

Составила Д. ВАЛИЕВА.

ВОСТОЧНЫЙ ГОРОСКОП

ОВНОВ ожидает трудная неделя, когда дела будут решаться медленно, а в самых элементарных ситуациях возникнут неожиданные проволочки. Направьте все свое упорство, обаяние и красноречие на достижение намеченных целей. В этом случае все запланированные мероприятия, учебные занятия, встречи и переговоры пройдут удачно.

ТЕЛЫЦЫ будут жить в ожидании чего-то нового и неизведанного, что может в корне изменить их жизнь. Под влиянием этого чувства вы, возможно, успешно сдадите контрольную проверку, смените профессию, поступите учиться, а может и влюбитесь. В любом случае вам удастся самореализоваться и именно в той сфере, которая вам будет интереснее всего.

БЛИЗНЕЦЫ также могут раскрыть глубоко до этого спрятанные все внутренние таланты. Это полностью изменит взгляды на ваше нынешнее служебное положение и род деятельности, которым вы занимаетесь, появится потребность карьерного роста. Вообще, внутри вашей личности идет глубокая и серьезная работа, а поэтому ждите перемены на службе.

РАКАМ не стоит конфликтовать ни с кем. Сдерживайте себя в любых ситуациях и старайтесь не растратывать по пустякам, жизненные силы легко теряются, а восстанавливаются с большим трудом. В этом случае отношения с командирами и подчиненными будут хорошими и теплыми, а неприятности оставят вас в покое.

ЛЬВАМ, вероятно, предложат новую должность в вышестоящем штабе или появится возможность дополнительного заработка. Если для этого надо будет принимать ответственные решения, то прибегните к совету старших товарищей по службе — их жизненный опыт вам поможет. Благодаря этому, в делах возможен и финансовый успех.

ДЕВАМ звезды обещают, что у них получится все, что они наметят и запланируют. Ничто не омрачит настроения и не расстроит планы. Благоприятны поездки в ближние и дальние командировки, на отдых, смена обстановки, общение с друзьями по службе. Если все же возникнут мелкие сложности, то не забывайте о том, что именно сослуживцы всегда придут вам на помощь.

ВЕСАМ необходимо обратить внимание на свое поведение, надо

быть более вежливыми и терпимыми к товарищам по службе. Иначе за короткий период времени, определяемый всего лишь одной неделей, вы можете незаметно для себя испортить отношения и с начальниками, и с подчиненными. Не забывайте, что восстановить их доверие и понимание будет очень нелегко.

СКОРПИОНЫ должны следить за тем, чтобы предстоящая неделя не прошла даром. Именно сейчас, в дни промежуточных экзаменов, на вас обратит внимание представители комиссии из штаба и вы получите выгодное предложение, о новом месте службы, о котором раньше и не мечтали. Поэтому в период контрольных занятий особенно важно не остаться пустым мечтателем, а с толком воспользоваться моментом.

СТРЕЛЬЦАМ представляется благоприятная возможность для реорганизации своих служебных дел в подчиненном учреждении и перегруппировки сил. Особенная удача ожидает Стрельцов, чья деятельность связана с наукой. Вы будете просто закипать коллег своей энергией, целеустремленностью, сумеете проявить сполна свой научный талант и создать что-то очень выдающееся.

КОЗЕРОГАМ рекомендуется поменьше придирайтесь к сослуживцам по мелочам. Помните, что вы сами далеки от идеала, поэтому проявите в отношениях с окружающими больше такта и понимания. В середине недели вероятно перемещение по служебной лестнице, но вот в какую сторону — вверх или вниз, это будет зависеть от вас.

ВОДОЛЕИ столкнутся с тем, что кто-то из сослуживцев попытается доставить им неприятности. Уверенность в своей правоте поможет вам отразить все неприятельские нападки. Наиболее успешной обещает быть эта неделя для людей творческих профессий — они смогут весьма эффективно проявить свои таланты и способности.

РЫБ звезды предостерегают от двойной игры. Возможно, вы захотите оказывать услуги «и нашим, и вашим», но это очень опасно, поскольку вы можете в результате потерять абсолютно все и полностью растратить свой авторитет в глазах и командиров, и подчиненных. Доверьтесь ситуации, тогда неприятности обойдут вас стороной.

Бош муҳаррир
полковник
Қ. АБДУКАРИМОВ

КОНТАКТНЫЕ ТЕЛЕФОНЫ:
Отдел подписки — 56-03-46.
Информация, реклама — 56-54-76.
Факс (3712) — 56-07-80.

Наш адрес: 700031, г. ТАШКЕНТ,
УЛ. Д. КУНАЕВА, 21.

Ответственность за достоверность сведений в рекламе и объявлениях несет рекламодатель.
Газета зарегистрирована в Государственном комитете Республики Узбекистан по печати.
Рег. № 00050.
Этот номер отпечатан в типографии газеты «Ватанпарвар».

Заказ № 0132.